

# **Маҳалла «еттилиги» фаолияти таҳлили ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокамаси**



Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров раҳбарлигига «Зоом» платформаси орқали маҳаллалар «еттилиги» иштирокида навбатдаги муҳокама йиғилиши ўтказилди. Унда белгилаб берилган вазифалар ижроси, аҳоли муаммолари билан ишлаш, ҳудудларда инфратузимани яхшилаш тадбирларининг бориши таҳлил қилинди.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан мутасаддилар ҳамда «еттилик»нинг ахборотлари тингланди.

Туман раҳбари хорижда юрган мигрантлар билан ишлаш масаласига ҳам тўхталди. Ҳар бир маҳаллада ўз ҳудудида яшовчи, ҳозирда хорижда ишлаётган фуқароларнинг оила аъзолари билан сұхбатлашиш, уларнинг муаммо ва мурожаатларидан келиб чиқиб ижтимоий кўмакка муҳтоҷ оиласалар билан манзилли ишлаш топшириғи берилди.

Шунингдек, келгусидаги вазифалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.